

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВ ЖАСУРБЕК ЗАФАРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ҚЎШМА ТРАВМАЛАРНИНГ ХИРУРГИК
ТАКТИКАСИНИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35. – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шамсиев Жасурбек Зафарович

Болаларда қўшма травмаларнинг хирургик тактикасини ва даволашни
такомиллаштириш..... 3

Шамсиев Жасурбек Зафарович

Совершенствование хирургической тактики и лечения сочетанных
травм у детей..... 29

Shamsiev Jasurbek Zafarovich

Improving surgical strategies and treatment of combined injuries in children..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВ ЖАСУРБЕК ЗАФАРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ҚЎШМА ТРАВМАЛАРНИНГ ХИРУРГИК
ТАКТИКАСИНИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35. – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3425 рақами остида рўйхатдан ўтказилди.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилди. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (хулоса)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.sammu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шамсиев Азамат Мухитдинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сатаев Валерий Уралович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Юсуф Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ставропол давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси «__» _____ 2025-йил соат ____ да Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М. Улугбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ Кўп тармоқли ихтисослаштирилган болалар жарроҳлик маркази. Тел./факс: +99866-233-58-92, +99866-233-79-03; e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 18-уй Тел./факс: +99866-233-30-34.

Диссертация автореферати тарқатилди «__» _____ 2025-йил (2025-йил «__» _____ даги № реестр баённомаси).

Н.М. Шавази

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда болалардаги қўшма травмалар кўп учраши, ўта оғир кечиши, ташхислаш ва даволашнинг мураккаблиги ҳамда ўлимнинг юқори даражаси бўлиши туфайли болалар хирургиясининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Болалардаги қўшма травмалар турли аъзо ва тизимларнинг кўплаб шикастланишлари оқибатида юзага келадиган ўта хавфли, ҳаёт учун таҳдид солувчи ҳолатларнинг ривожланишига олиб келади. Тиббиётнинг замонавий ютуқларига қарамасдан, қўшма травмаларда ўлим кўрсаткичи юқорилигича қолган ва 22-59,2 фоизни ташкил этади¹. Болаларда травматик таъсир туфайли оғир шикастланишларнинг ривожланишига ёшга хос анатомик-физиологик хусусиятлар, жумладан, ички аъзоларнинг нисбатан катта ҳажми, мушак тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва кўкрак қафасининг юқори эластиклиги ёрдам беради. Бундай шикастланишлар кўпинча автоҳалокатлар, баландликдан йиқилиш ва маиший бахтсиз ҳодисалар натижасида юз беради. Болаларда қўшма абдоминал травмалар энг хавфли ҳисобланади. Кундалик клиник амалиётда кўпинча қўшма шикастланишларнинг таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда анатомик соҳаларнинг ҳар бири учун алоҳида ишлаб чиқилган стандартлар қўлланилади. Қўшма травмаларда хирургик тактикасининг ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган ва илмий жиҳатдан асосланмаган. Шунинг учун болалардаги қўшма травмаларни эрта мукамал ташхислашни оптимал диагностика алгоритмлари ишлаб чиқиш, даволашда замонавий аъзони сақловчи ва кам инвазив хирургик технологияларни қўллаш ва реабилитация ёндашувларини такомиллаштириш, ҳамда асоратлар сонини камайтириш болалар жарроҳлиги амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда болалардаги қўшма абдоминал травмаларни эрта аниқлаш ва минимал инвазив даволашга турғун тенденция кузатилмоқда ва замонавий педиатрик травматология кўп фазали компютер томографияси (КТ) ва FAST протоколи бўйича ултратовуш текшируви каби юқори технологияли визуализация усулларида фойдаланган ҳолда шикастланиш хусусиятларини тез ва аниқ аниқлашга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, ҳозирги кунда бундай тадқиқотлар жуда оз. Болаларда қўшма абдоминал травмалар сонининг ошишини ҳисобга олган ҳолда, ўз вақтида ташхислаш ва оптимал даволаш тактикасини танлаш ҳамда ўлимни камайтириш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этади. Замонавий аъзони сақловчи ва кам инвазив хирургик технологиялар клиник амалиётда тобора кенг қўлланилиб, асоратлар ривожланиш хавфини катта даражада камайтиришга, касалхонада даволаниш муддатини қисқартиришга ва ўлим даражасини сезиларли пасайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қара-

¹ Лукаш Ю.В. Сочетанной травмы у детей: Актуальные проблемы хирургии – Ростов-на-Дону – 2006. Стр. 74-78.

тилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда, болалардаги қўшма абдоминал травмалар ҳақида нафақат шикастланишлар йиғиндисини, балки уларнинг травмани кечиши ва оқибатини ўзгартирувчи ҳамда диагностика ва даволаш стратегиясини белгиловчи ўзаро таъсирини ҳам ҳисобга оладиган комплекс тушунча сифатида илмий маълумотларни тизимлаштирувчи ва умумлаштирувчи тадқиқотлар етарли даражада тақдим этилмаган. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни маълум даражада бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI - "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Травмалар дунёдаги ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, глобал касаллик юқининг 10,1 фоизини ташкил этади. Ҳар йили травмалардан тахминан 4,8 миллион киши вафот этади. Болалар травматизми болалар ўлимининг етакчи сабаби (50%) ҳисобланиб, қолган барча касалликлар бирикмасидан устун туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳолашига кўра, ҳар йили дунёда 18 ёшгача бўлган 830 000 дан ортиқ бола бахтсиз ҳодисалар оқибатида ҳалок бўлади (Haagsma JA, Graetz N, Bolliger I, Naghavi M, Higashi H, Mullany EC, et al., 2013).

Қорин бўшлиғи аъзоларининг травмалари кўпинча кўкрак қафаси, қорин парда орти бўшлиғи, таянч-ҳаракат тизими, умуртқа поғонаси ва чанок суяқларининг шикастланиши билан бирга кузатилади, қайсиқим ташхисот ва даволашга комплекс, кўп соҳали ёндашувни талаб этади. Қўшма травмалар диагностикасига кўплаб илмий ишлар бағишланган, бироқ улар мавзунинг фақат айрим жиҳатларини қамраб олади (Колкин Я.Г. и др., 2019; Плаксин С. А., 2018; Черешнев В. А., 2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

Шикастланишлар оғирлигини баҳолашнинг кўп сонли шкалалари (AIS, ISS, OIS, NISS) қўлланилишига қарамасдан, бугунги кунгача болалардаги қўшма абдоминал травмаларда оптимал диагностика алгоритмлари ишлаб чиқилмаган. Қўшма травма алоҳида шикастланишга қараганда симптомларнинг кўпроқ ўзгарувчанлиги ва ташхис қўйишнинг мураккаблиги билан тавсифланади. Қўшма абдоминал травмаларни ташхислашнинг мураккаблиги клиник манзара ноаниқ бўлиши мумкинлиги, кичик ёшдаги болалар эса ўз сезгиларини ҳар доим ҳам аниқ ифодалай олмаслиги билан боғлиқ. Ультратовуш текшируви (FAST протоколи), компьютер томографияси ва лапароскопия каби замонавий кам инвазив диагностика усуллари муҳим аҳамият касб этади (Попова И. Е. 2018; Bokenkamp M, Dorken Gallastegi A, Brown T, Hwabejire JO, Fawley J, Mendoza AE, Saillant NN, Fagenholz PJ, Kaafarani HMA, Velmahos GC, Parks JJ., 2022).

Даволаш тактикасини танлаш жароҳатларнинг характери ва оғирлигига боғлиқ. Бугунги кунда адабиётларда қўшма абдоминал травмалар билан оғир ва ўта оғир аҳволда ихтисослаштирилган бўлимларга олиб келинган беморлар сонининг 40% гача кўпайиш тенденцияси қайд этилган. Ушбу беморларнинг тахминан 15 фоизи шошилиш ихтисослаштирилган ёрдамга мухтож. Қайд этиладиган вақт танқислиги мобайнида жароҳатларнинг табиатини аниқлаш, беморнинг аҳволини баҳолаш, беморнинг аҳволини янада оғирлаштирадиган ҳамда асоратлар ва ўлим хавфини оширадиган бир томондан, операциядан олдинги босқични критик вақт оралиғига чўзиб юбормайдиган ва бошқа томондан, ортиқча хирургик аралашувларини истисно этадиган оптимал хирургик тактикасини танлаш зарур (Подкаменев В.В., Розин В.М., Григорев Е.Г., Козлов Ю.А 2019). Ҳозирги кунда болаларда политравмани аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Ёшни ҳисобга олмаган ҳолда катталар учун мўлжалланган параметрлардан фойдаланилади. Кўп сонли тадқиқотлар болалар травмаларга чидамлироқ эканлигини ва шикастланиш оқибатларини бартараф этиш учун каттароқ физиологик заҳираларга эгалигини тасдиқлайди. Қориннинг қўшма травмаларини ташхисот этиш жароҳатларнинг бир-бирига қўшилиши ва ўзига хос бўлмаган клиник кўринишлар туфайли қийинлашиши мумкин (Плаксин С. А., 2018; Саввин Ю. Н., Кудрявцев Б. П., Краснов С. А., Поярков А. М., 2015; Самохвалов И. М., 2018, Саруханян О.О., Телешов Н. В., 2013).

Қўшма травмаларни даволаш муаммоси замонавий тиббиётнинг, айниқса болалар хирургиясининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолган. Адабиётларда таъкидланишича, қўшма травмалар жабрланганларнинг аҳволини сезиларли даражада оғирлаштиради, асоратлар ва ўлим хавфини оширади, касалхонада даволаниш ва тикланиш муддатларини узайтиради (Саруханян О.О., Телешов Н. В., 2013). Сўнгги ўн йилликларда қўшма травмаларни ташхисот этиш, даволаш тактикаси ва асоратларни олдини олиш масалалари маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг ишларида кенг ёритилган. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, яширин жароҳатларни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш тактикасини оптимал танлашга алоҳида эътибор қаратилади (Колкин Я.Г. 2019). Кўп сонли нашрларга қарамасдан, қориннинг қўшма травмаларида, айниқса болаларда, хирургик даволаш так-

тикасини танлашга оид мунозарали масалалар сақланиб қолган. Оғир қўшма шикастланишларда прогнозга таъсир қилувчи омиллар етарлича ўрганилмаган. Кам инвазив ва аъзони сақловчи технологияларни қўллаш жиҳатлари, шунингдек, кенг қамровли реабилитация масалалари алоҳида эътиборни талаб этади.

Шундай қилиб, ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганиш зарурати қўшма травмаларнинг юқори частотаси, уларнинг клиник кечишини оғирлиги ва даволаш-ташхисот ёндашувларини такомиллаштириш эҳтиёжи билан белгиланади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 01980006703-сонли "Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш" (2020-2023 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда қориннинг қўшма жароҳатларини кам инвазив даволаш-диагностик аралашув комплексини қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда ёш ва келиб чиқиш сабабларига қараб қўшма абдоминал травмалар частотасини аниқлаш;

болаларда қориннинг қўшма травмаларида қорин бўшлиғи шикастланишларининг тузилиши, тури ва частотасини ҳамда уларнинг комбинацияларини ўрганиш;

қориндан ташқаридаги шикастланишларнинг тури, хусусияти ва частотасини ҳамда болалардаги қўшма абдоминал травмаларда уларнинг энг кенг тарқалган комбинацияларини аниқлаш;

болаларда қориннинг қўшма травмалари клиник кўринишлари ва диагностик хусусиятларини ўрганиш, даволаш тактикасини такомиллаштириш учун диагностика алгоритмини асослаш;

болаларда қориннинг оғир қўшма травмаларида замонавий кам инвазив даволаш-диагностик ва хирургик аралашувлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда клиник амалиётга жорий этиш, шунингдек, уларнинг самарадорлигини анъанавий даволаш усуллари билан қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти 1995-йилдан 2024-йилгача 1-сонли Болалар хирургияси кафедрасининг базаси ҳисобланган (кафедра мудири - тиббиёт фанлари доктори, проф. Ш.А. Юсупов) СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникасида (бош шифокор - проф. Ж.А. Шамсиев) стационар даволанган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган қўшма абдоминал жароҳатлар билан касалланган 144 нафар бемордан ташкил топган.

Тадқиқотнинг предмети лаборатор текширувларни ўтказиш учун беморларнинг веноз қони ва қон зардобини, FAST протоколи бўйича, шунингдек қорин бўшлиғи аъзолари ва бошқа соҳаларнинг динамикадаги ультратовуш текшируви маълумотлари, кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, таянч-ҳаракат тизими ва бошқаларнинг рентгенограммалари, компьютер ва магнит-резонанс томограммалари, хирургик аралашувлар протоколлари протоколлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор ва инструментал усуллар (ултратовуш текшируви, компьютер томографияси, рентгенография), кам инвазив диагностик аралашувлар, шунингдек, маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор болаларда қорин бўшлиғининг қўшма жароҳатлари ёш оид хусусиятлари, жароҳат механизмлари ҳамда қорин бўшлиғи ичидаги ва қориндан ташқаридаги жароҳатларнинг тузилишини ҳисобга олган ҳолда комплекс таҳлил қилинган ва жароҳатларнинг энг кўп учрайдиган комбинациялари аниқланган;

болаларда қорин бўшлиғи қўшма шикастланишларининг клиник-диагностик хусусиятлари белгиланган ва кўп тизимли шикастланишларда эрта қиёсий ташхисотни ўтказишга имкон берувчи асосий симптомлар (травма соҳасида огрик, қорин олд девори мушакларининг таранглашуви, кўнгил айниши ва қусиш, ичак парези ёки ковак аъзо перфорацияси гипотония ва геморрагик шок белгилари) ва диагностик мезонлар аниқланган;

болаларда қориннинг оғир қўшма жароҳатларида замонавий визуализация усуллари, диагностик лапароскопия, пункцион технологиялар ва кам инвазив хирургик муолажаларни ўз ичига олган даволаш-диагностик аралашувлар мажмуасини самарадорлиги исботланган;

қориннинг қўшма травмалари бўлган болаларни касалхона шароитида мултидисциплинар ёндашув ва кам инвазив технологияларни даволаш стандарти сифатида эрта қўллаш зарурияти асосланган ҳамда уларни амалда тадбиқ этиш натижасида беморларнинг стационарда даволаниш муддати 7,41 дан 5,36 ўрин-кунгача қисқарганлиги, лапаротомиялар сони 64,3% дан 37,8% гача камайганлиги, кам инвазив операциялар сонини 0 дан 56,7% гача кўпайганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган клиник-эпидемиологик таҳлил болалардаги қўшма абдоминал травмаларнинг тузилишини аниқлаштиришга, энг заиф ёш гуруҳини (5-14 ёш) белгилашга ҳамда травманинг асосий механизмларини аниқлашга имкон берган, профилактика чора-тадбирларини ташкил этиш ва фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдамни режалаштириш учун муҳимлиги асосланган;

қўшма абдоминал травмаларнинг клиник симптомлари ва диагностик белгиларини аниқлаштириш ҳаёт учун хавfli ҳолатларни эрта аниқлаш ва диагностик хатолар сонини камайтиришга ёрдам бериши аниқланган;

кам инвазив даволаш-диагностик аралашувлар комплексини қўллашнинг ишлаб чиқилган алгоритми кўп тармоқли болалар касалхоналари шароитида фойдаланишга мослаштирилган, жароҳатланганларни олиб бориш тактикасини стандартлаштирилган;

болаларда қориннинг қўшма травмаларини даволашда замонавий кам инвазив усулларни (лапароскопия, пункцион-дренаж технологиялари ва бошқалар) жорий этиш даволаш муддатини қисқартиришга, асоратлар частотасини ва травматик операцияларга бўлган эҳтиёжни камайтиришга имкон берган ҳолда ўз самарадорлигини исботлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг услубий асосланганлиги, қўлланилган назарий ёндашувларнинг, клиник-лаборатор, инструментал ва статистик усулларнинг тўғрилиги, шунингдек клиник материалнинг етарли ҳажми билан тасдиқланган, ҳамда болаларда қориннинг қўшма жароҳатларида замонавий диагностика ва даволаш технологияларидан фойдаланиш, олинган маълумотларни маҳаллий ва халқаро тажриба билан таққослаш, шунингдек, беморларда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал, видеомикроскопик, экспериментал, патоморфологик ва статистик тадқиқот усуллари-дан фойдаланилганлиги, касаллик қайталанишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда қориннинг қўшма травмаларини ташхислаш ва даволашда кам инвазив технологиялардан фойдаланган ҳолда табақалаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, травманинг характери-га қараб оператив тактикани танлаш, видеолапароскопияни қўллаш орқали лапаротомиялар, операциядан кейинги асоратлар ва ўлимни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалардаги қўшма абдоминал травмаларнинг тузилишини аниқлаштириш, энг заиф ёш гуруҳини белгилаш, қўшма абдоминал травмаларнинг клиник симптомлари ва диагностик белгиларини аниқлаштириш ва диагностик хатолар сонини камайтириш, кам инвазив даволаш-диагностик аралашувлар комплексини қўллаш натижа-сида қориннинг қўшма травмалари бўлган болаларни даволашнинг натижаларини сезиларли даражада яхшилашга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Болаларда қўшма трав-маларнинг хирургик тактикасини ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 07 июлдаги 21/30 - сонли хулосасига мувофиқ жорий этилган:

биринчи илмий янгилик: илк бор болаларда қорин бўшлиғининг қўшма жароҳатлари ёш оид хусусиятлари, жароҳат механизмлари ҳамда қорин бўшлиғи ичидаги ва қориндан ташқаридаги жароҳатларнинг тузилишини ҳисобга олган ҳолда комплекс таҳлил қилинган ва жароҳатларнинг энг кўп учрайдиган комбинациялари аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 11-сон билан тасдиқланган "Болаларда қўшма жароҳатларнинг замонавий аспекти" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалининг 2024 йил 29 октябрдаги 22-сонли буйруғи ва Самарқанд вилояти Тойлоқ туман болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 21 августдаги 106-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-

техник Кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/30-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: юқори информацион диагностика усуллардан фойдаланилган ҳолда даволаш ва диагностика чора тадбирларини такомиллаштириш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: ушбу ҳолат диагностика ва даволаш харажатларини пасайтириш, реанимация ва операциядан кейинги тадбирларга сарфланадиган маблағларни камайтиришни таъминлайди.

иккинчи илмий янгилик: болаларда қорин бўшлиғи қўшма шикастланишларининг клиник-диагностик хусусиятлари белгиланган ва кўп тизимли шикастланишларда эрта қиёсий ташхисотни ўтказишга имкон берувчи асосий симптомлар ва диагностик мезонлар аниқланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 11-сон билан тасдиқланган "Болаларда қўшма жароҳатларнинг замонавий аспекти" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалининг 2024 йил 29 октябрдаги 22-сонли буйруғи ва Самарқанд вилояти Тойлоқ туман болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 21 августдаги 106-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/30-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: политравмага учраган болалардалапароцентез, лапароскопия, плевра пункцияси ва бошқа терапевтик ва диагностик муолажарлабир вақтда кенг камровли қўллаш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий самарадорлиги: бу чора тадбирларни қўллаш орқали стационар шароитида ётоқ кунларини қисқаришига ва ўлим кўрсаткичини пасайишига олиб келган.

учинчи илмий янгилик: болаларда қориннинг оғир қўшма жароҳатларида замонавий визуализация усуллари, диагностик лапароскопия, пункцион технологиялар ва кам инвазив хирургик муолажаларни ўз ичига олган даволаш-диагностик аралашувлар мажмуасини самарадорлиги исботланган ва ушбу илмий янгилик бўйича таклифлар Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий Кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 11-сон билан тасдиқланган "Болаларда қўшма жароҳатларни даволаш ва жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалининг 2024 йил 29 октябрдаги 22-сонли буйруғи ва Самарқанд вилояти Тойлоқ туман болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 21 августдаги 106-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/30-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижаларининг қўлланилиши кам инвазив даволаш-диагностик аралашувларни қўллаш орқали болалардаги қўшма абдоминал травмаларида ташхислаш ва даволаш тактикасини оптималлаштиришга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда қориннинг қўшма травмаларида кам инвазив даволаш-диагностик аралашувлар мажмуасини қўллаш реанимация бўлимида ётиш давомийлигини ишончли тарзда қисқартиришга, юқори харажатли лапаротомиялар сонини камайтириш ва ўлим кўрсаткичини 2,4 баробар пасайтиришга имкон берган.

тўртинчи илмий янгилик: қориннинг қўшма травмалари бўлган болаларни касалхона шароитида мултидисциплинар ёндашув ва кам инвазив технологияларни даволаш стандарти сифатида эрта қўллаш зарурияти асосланган ҳамда уларни амалда тадбиқ этиш натижасида беморларнинг стационарда даволаниш муддати 7,41 дан 5,36 ўрин-кунгача қисқарганлиги, лапаротомиялар сони 64,3% дан 37,8% гача камайганлиги, кам инвазив операциялар сонини 0 дан 56,7% гача қўпайганлиги аниқланган ва ушбу илмий янгилик бўйича таклиф Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий Кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 11-сон билан билан тасдиқланган "Болаларда қўшма жароҳатларни даволаш ва жаррохлик тактикасини такомиллаштириш" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалининг 2024 йил 29 октябрдаги 22-сонли буйруғи ва Самарқанд вилояти Тойлоқ туман болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 21 августдаги 106-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21/30-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кам инвазив даволаш-диагностик аралашувлар комплексини қўллашнинг ишлаб чиқилган алгоритми кўп тармоқли болалар касалхоналари шароитида фойдаланишга мослаштирилган, жароҳатланганларни олиб бориш тактикасини стандартлаштириш ва оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, иш натижаларининг синовдан ўтказилиши ва эълон қилинганлиги тавсифланган, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби "Болалардаги политравмаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма травмаларини ташхислаш ва хирургик даволаш тактикасининг замонавий ҳолати (адабиётлар

шарҳи)" да болалардаги қўшма травмалар, хусусан қўшма абдоминал травмалар муаммоси ҳақида замонавий қарашлар баён этилган. Касалликнинг тарқалиши, этиологик омиллари, патогенетик механизмлари, шунингдек политравмаларда клиник кечиш, ташхисот ва даволаш тактикасининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма шикастланишлари кам ўрганилганлиги таъкидланган. Қорин бўшлиғи аъзоларининг алоҳида травмаларига бағишланган кўплаб ишларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, политравмадаги қўшма жароҳатларни ўрганишга оид ишлар адабиётларда нисбатан кам учрайди. Шунингдек, ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганиш зарурати қўшма травмаларнинг юқори частотаси, уларнинг клиник кечишини оғирлиги ва даволаш-диагностик ёндашувларни такомиллаштириш эҳтиёжи билан боғлиқлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган **иккинчи боби** беморларнинг умумий тавсифи, умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари бўйича маълумотларни ўз ичига олади.

Ушбу тадқиқот 1995-йилдан 2024-йилгача 1-сонли Болалар хирургияси кафедрасининг базаси ҳисобланган (кафедра мудир – тиббиёт фанлари доктори, проф. Ш.А. Юсупов) СамДТУ ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникасида (бош шифокор - проф. Ж.А. Шамсиев) стационар даволанган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган қўшма абдоминал травмалари билан касалланган 144 нафар беморни ўрганиш натижаларини таҳлил қилишга асосланган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари: тананинг бошқа соҳалари шикастланиши билан бирга кузатилган абдоминал травманинг мавжудлиги; бир ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар; бевосита касалхонага ёки туман марказий касалхонасидан қабул қилиниш.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари: қориннинг алоҳида травмалари; тананинг бошқа соҳаларини устунлик қилувчи оғир травмалари (бош мия травмаси, кўкрак қафаси травмаси, қорин парда орти соҳаси травмаси ва бошқалар).

Болаларда қўшма абдоминал травмаларнинг сабаблари орасида автоҳалокатлар 25%, баландликдан йиқилиш 41,7%, маиший травмалар 33,3% ни ташкил этган. Шикастланиш механизми бўйича тўмтоқ травмалар устунлик қилиб, беморларнинг 95,1% ида ташхисот этилган; тешиб ўтувчи травмалар сезиларли даражада кам, атиги 4,9% ҳолларда кузатилган. Жабрланганларнинг аксарияти касалхонага оғир (64,6%) ва ўта оғир (23,6%) ҳолатда ётқизилган бўлиб, болалардаги қўшма абдоминал травмаларнинг юқори даражада оғирлигини кўрсатади ва ўз вақтида ҳамда мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди. Тадқиқот қўшма абдоминал травмаларга ўғил болалар - 106 (73,6%) қиз болаларга - 38 (26,4%) нисбатан кўпроқ дучор бўлганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат, афтидан, ўғил болалардаги ҳаракат фаоллигининг юқори даражаси билан боғлиқдир. Хулқ-атвор омилларини, жумладан ўғил болаларнинг жисмоний фаоллик ва спортнинг потенциал хавфли турларида иштирок этишини ҳам истисно этиб бўлмайди. Қўшма абдоминал травмалар кўпинча 5-9 ёш (34%) ва 10-14 ёшда (32,6%), яъни болаларнинг юқори фаоллиги ва ҳаракатчанлиги ҳамда ота-оналардан ўйинларда бошланаётган нисбий мустақиллик даврида кузатилган.

Олинган маълумотларга кўра, қўшма абдоминал травмалари бўлган болалар орасида қишлоқ аҳолиси устунлик қилган – 96 нафар (66,7%), шаҳарда яшовчи жабрланганлар улуши эса 48 нафар (33,3%)ни ташкил этган. Ушбу ҳолат кўпинча катталарнинг доимий назоратсиз очик ҳавода ҳаракатли, фаол ўйинлар устунлик қиладиган қишлоқ жойларидаги болалар турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қўшма травмалари бўлган беморлар энг оғирлар гуруҳига киради. Шунинг учун уларнинг аксарияти – деярли 90 фоизи – травма олган пайтдан бошлаб биринчи суткада касалхонага ётқизилган ва фақат 10 фоизи 24 соатдан кўпроқ вақт ўтгач марказий туман касалхонасидан клиникага қабул қилинган.

Куйида, 1-жадвалда қориннинг қўшма травмаларида қорин бўшлиғи ичидаги шикастланишлар келтирилган.

1-жадвал

Қориннинг қўшма травмаларида қорин бўшлиғи ичидаги шикастланишлар

Аъзолар шикастланиши	Жами ҳолатлар	
	Мутлақ сон	%
Жигар	50	34,7%
Талок	40	27,8%
Ичак ҳалқалари, ошқозон, ичак тутқичи	46	32%
Ошқозон ости беzi	12	8,3%
Катта чарви	10	6,9%
Қовуқ	3	2,1%
Жами беморлар: 144 нафар	Жами: 161	111,8%

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 144 нафар беморнинг 161 (111,8%) ҳолатида қорин бўшлиғи ичидаги қўшма шикастланишлар қайд этилган. Улардан 34,7% да жигар, 27,8% да талок, 32%да ошқозон ва ичак ҳалқалари шикастланиши энг кўп учраган.

Болаларда қўшма абдоминал травмалар кўпинча қориндан ташқаридаги кўп сонли шикастланишлар билан бирга кечади, қайсиким касалликнинг клиник кечишини сезиларли даражада оғирлаштиради ва салбий оқибат хавфини оширади.

Қўшма абдоминал травмаларда қориндан ташқаридаги шикастланишлар частотаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Қўшма абдоминал травмаларда қориндан ташқаридаги шикастланишлар

Қориндан ташқаридаги шикастланишлар	Жами ҳолатлар	
	мутлақ	%
Бош мия травмаси (БМТ)	138	95,8%
Кўкрак қафаси травмаси (КҚТ)	33	23%
Қорин парда орти соҳаси травмаси (ҚПОСТ)	32	22,2%
Оёқ-қўллар травмаси (ОҚТ)	19	13,2%
Умurtқа поғонаси травмаси (УПТ)	10	7%
Чанок суяклари травмаси (ЧСТ)	9	6,2%
Жами:	241	167,4%

2-жадвалдан кўриниб турибдики, болалардаги қўшма абдоминал травмаларда қориндан ташқаридаги жароҳатлар орасида энг юқори частотани 138 нафар беморда (95,8%) қайд этилган бош мия травмаси ташкил этган. Биз бош мия травмалари кечишининг оғирлик даражасини Krueger (1985, 1987) бўйича таснифладик. Кўпинча 50,7% беморлар ўртача ва оғир даражадаги БМТ билан қабул қилинган. Бош мия травмасига шубҳа туғилганида, бош суягининг икки проекциядаги рентгенографияси ва КТ текшируви ўтказилган. Ушбу текширувларнинг натижалари турли локализациядаги бош суяги синишларининг мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Масалан, жами бош мия травмаси бўлган беморларнинг 12 нафарида (8,7%) бош суягининг турли комбинациялардаги синишлари қайд этилди. Бош мия травмаси бўлган беморларнинг 6 нафарида (50%) чакка суяги, 5 нафарида (41,6%) тепа суяги, 4 нафарида (33,3%) пешона суяги, 1 нафарида (8,3%) энса суяги синиши кузатилди. Калла суяги асосининг синиши 3 нафар (25%) беморда аниқланди. Оёқ-қўллар турли қисмларининг синиши беморларни учдан бирининг кўпроғида қайд этилди. Учраш частотаси бўйича 12 (8,3%)да оёқ суякларининг синиши биринчи ўринни эгаллаган. Кўкрак қафаси травмалари бўлган 33 нафар (23%) беморда 42 та турли хилдаги шикастланишлар, жумладан 9 ҳолатда қовурғалар, ўмров суяги ва курак суягининг жароҳатланиши қайд этилган. Умurtқаларнинг синиши 10 нафар (7%) беморда кузатилди. Умуман олганда, ушбу беморларда умurtқанинг 31 та турли комбинацияларда синиши аниқланди. Чанoқ суякларининг синиши 9 нафар (6,2%) беморда 16 хил комбинацияда қайд этилди. Буйрак шикастланиши 32 та (22,2%) ҳолатда кузатилди. Биз ушбу беморларни А. Г. Пугачев ва М. Д. Фридман (1979) таснифи бўйича буйрак шикастланишининг оғирлик даражасига кўра тақсимладик. Беморларнинг 19,1 фоизида буйрак шикастланиши 2 ва 3-даражали оғирликда, 3,1 фоизида эса 4 ва 5-даражали оғирликда қайд этилди.

Юқорида келтирилган қорин бўшлиғи ичидаги (1-жадвал) ва қориндан ташқаридаги шикастланишлар (2-жадвал) тўғрисидаги маълумотлар таҳлили бир вақтнинг ўзида шикастланишлар тананинг иккитадан олтигача турли соҳаларини қамраб олиши мумкинлигини кўрсатади, қайсиким 3-жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал

Қорин қўшма травмаларининг тананинг шикастланган соҳалари сони бўйича тақсимланиши

Тананинг қамраб олинган соҳалар сони	Мутлақ сон	%
*Икки соҳа	83	57,6%
Уч соҳа	39	27,1%
Тўрт соҳа	12	8,3%
Беш соҳа	8	5,6%
Олти соҳа	2	1,4%
Жами:	144	100%

**Жадвалда маълумотлар абдоминал травмалар билан биргаликда келтирилган.*

Аксарият беморларда қориннинг қўшма травмалари бир нечта анатомик соҳаларни қамраб олган ҳолда ўта оғир кечиш билан кузатилган. Беморларнинг умумий сонидан 84,7% камида икки-учта тана соҳаси шикастланиши билан, 15,3% беморлар бир вақтнинг ўзида тўртдан олтитагача соҳа шикастланиши билан қабул қилинган, ушбу ҳолат аҳволнинг ифодаланган даражадаги оғирлигини ва ҳаёт учун хавфли асоратлар хавфи юқори эканлигини кўрсатади.


Қуйида тананинг 5 та соҳасини бир вақтнинг ўзида шикастланиши қайд этилган клиник кузатувни келтирамиз (1, 2, 3, 4-расмлар)*:



1-расм. В-а исмли 17 ёшли беморнинг УТТ: қориннинг қўшма травмаси, жигар ёрилиши, гемоперитонеум.



2-расм. Мазкур беморнинг КТ: Кўкрак қафасининг шикастланиши: ўнг томонда гемоторакс, ўнг томонда VIII, IX, X қовургалар синиши, чап томонда X, XI қовургалар синиши, чап томонда пневмоторакс ва тери ости эмфиземаси.



3-расм. Ушбу беморнинг КТ: умуртқа поғонасининг синиши (L3-5; S1-2).



4-расм. Мазкур бемор болдир суягининг рентгенограммаси: ўнг томонда иккала суякнинг синиши.

*Изоҳ: тананинг бешинчи соҳасини шикастланиши бош мия травмаси (БМТ), бош миянинг лат ейишидир.

Тадқиқот усуллари клиник маълумотларни комплекс таҳлил қилиш орқали амалга оширилган ва қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

умумий клиник тадқиқот усуллари (анамнестик маълумотлар, беморнинг ҳолатини объектив баҳолаш, гемодинамика ҳолатини баҳолаш);

лаборатор усуллар (DIRUI BCC-3600 (XXP) гематологик анализаторида умумий қон таҳлили; Meril Diagnostics (Ҳиндистон) компаниясининг Merilyzer AutoQuant 100i анализаторида биокимёвий тадқиқотлар; Rayto RT-2201C (XXP) коагулометрида қон ивувчанлигининг комплекс таҳлили; Wondfo BGA-102 (XXP) қон газлари анализаторида кислота-ишқор ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш);

инструментал текширув усуллари (**видеолапароскопия** ва **видеоторакоскопия** ADVAN (Корея) аппаратида, **УТТ FAST** протоколи бўйича ва Consona N9 Mindray (XXP) ҳамда Edan U2 Prime Edition (XXP) аппаратларида динамикада баҳолаш учун; **рентген-диагностика** MINE 2 (Корея) ва S-DUGA (XXP) аппаратларида; **компьютер томографияси** Siemens DURA 688 - MV (Германия) томографида; **ЭГДС** Olympus 170 серияли аппаратда, GIF-XR179N 5.8мм, GIF-H170 9.8мм эндоскопларда; **ЭКГ** Mindray BeneHeart R3 (XXP) аппаратида; бронхоскопия EndoPic VES-100 (Корея) аппарати ёрдамида).

Травмаларнинг оғирлигини баҳолаш Pediatric Trauma Score (PTS) (1984) ёрдамида амалга оширилган.

Шок даражасини аниқлаш учун SIPA (Shock Index Pediatric Age-adjusted) шок индекси (2015) қўлланилган.

Олинган натижаларнинг **статистик таҳлили** StatSoft компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Statistica 6.0 дастурий мажмуаси ёрдамида амалга оширилган. Тадқиқот доирасида натижалар танланма ўртача қийматлар ва ўртача қийматларнинг стандарт хатолари кўринишида тақдим этилган. Қуйидаги статистик параметрлар ҳисоблаб чиқилган: ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (σ) ва ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m). Нормал тақсимланмаган ўзгарувчилар учун медиана аниқланган. Ўртача қийматларни таққослаш Студентнинг t -мезонидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг **"Болаларда қориннинг қўшма травмаларини клиник симптомлари ва ташхислаш хусусиятлари"** деб номланган **учинчи боби** қориннинг қўшма травмаларида қорин бўшлиғи ичидаги ва қориндан ташқаридаги шикастланишларнинг клиник кўринишлари ва диагностика хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Болаларда қўшма абдоминал травмалар – ўта оғир патологиядир. Бола организмнинг ўзига хос хусусиятлари – тўқималарнинг эластиклиги, ички аъзоларнинг юқори ҳаракатчанлиги ва мушак корсетининг нисбатан заифлигини ҳисобга олган ҳолда, қўшма травмалар кечиш ва прогнозни сезиларли даражада оғирлаштирувчи мураккаб клиник кўринишларга олиб келиши мумкин.

3.1. Қорин бўшлиғи ичидаги шикастланишларда клиник манзаранинг ўзига хос хусусиятлари

Қориннинг қўшма травмаларида аъзоларнинг асосий қорин бўшлиғи ичидаги шикастланишлари ва уларнинг комбинация вариантлари қуйида (4-жадвал) келтирилган.

4-жадвал

**Қориннинг қўшма жароҳатларида қорин бўшлиғи ичидаги
шикастланишлар ва уларнинг комбинациялари**

Аъзолар	Жигар	Талок	Ичак халқалари, меъда, ичак тутқичи	Меъда ости бези	Катта чарви	Сийдик пуфаги	Жами комбина- циялар сони
Жигар	n=50	6	9	3	1	-	19
Талок	6	n=40	4	5	1	-	16
Ичак халқалари, ош- қозон, ичак тутқичи	9	4	n=46	2	2	-	17
Ошқозон ости бези	3	5	2	n=12	-	-	10
Катта чарви	1	1	2	-	n=10	-	4
Сийдик пуфаги	-	-	-	-	-	n=3 161	-
Жами: 144	19	16	17	10	4	-	66

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг кўп жигар, талок, ичак халқалари ва ошқозон зарарланган. Текширилган 144 нафар беморда 66 та қорин бўшлиғи аъзолари шикастланишининг турли хил комбинацияси аниқланган. Энг кўп бирикмалар 9 (13,6%)да жигар ва ичак халқалари, 6 (9%) да жигар ва талок, 5 (7,6%)да талок ва ошқозон ости бези, шунингдек 4 (6%)да талок ва ичак халқалари шикастланиши бўлган. Камроқ, 3 (4,5%) да жигар ва ошқозон ости бези шикастланишининг комбинацияси кузатилган. Қўшма травмаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг кўп сонли шикастланиши ташхисот ва даволашни сезиларли даражада қийинлаштиради.

Қорин бўшлиғи шикастланишларида **клиник симптомлар** зарарланишнинг жойлашуви ва комбинациясига қараб ўзгарган (5-жадвал).

5-жадвал

Қорин бўшлиғи аъзолари шикастланишининг клиник симптомлари

Зарарланиш соҳаси	Клиник кўриниши
Жигар	Ўнг қовурға остида оғриқ, ички қон кетиш белгилари (тахикардия, гипотония), ижобий Шеткин-Блюмберг симптоми, массив қон йўқотилганда камқонлик
Талок	Чап қовурға остида оғриқ, чап елкага узатилиш (Кер симптоми), рангпарлик, тахикардия, АҚБнинг пасайиши
Ичак халқалари, ошқозон, ичак тутқичи	Қоринда тарқоқ оғриқ, қусиш, қорин дам бўлиши, қорин парда таъсирланиш симптомлари, перфорация ёки гемоперитонеум белгилари, тана ҳароратининг кўтарилиши ва бошқалар
Ошқозон ости бези	Эпигастрийда оғриқ, орқага узатилувчи, қусиш, қонда амилазанинг ошиши, панкреонекроз белгилари
Сийдик пуфаги	Сийдик тутилиши, қорин пастида оғриқлар, гематурия, ёрилганда - перитонит симптомлари

5-жадвалдан кўриниб турибдики, қорин бўшлиғи аъзолари шикастланишларининг асосий белгилари "ўткир қорин" симптомлари бўлган: қоринда оғриқ - ўткир, тарқоқ ёки маҳаллий, пайпаслаганда кучаяувчи; қорин олд девори мушакларининг таранглашуви - қорин бўшлиғида яллиғланиш ёки қон/суюқлик тўпланиши натижасида "тахтасимон" қорин; кўнгил айниши ва қусиш, ошқозон ёки ичак шикастланганда баъзан қон аралаш; қориннинг дам бўлиши - ичак парези ёки ковак аъзо перфорацияси оқибатида; қорин парда таъсирланиш белгилари - Шеткин-Блумберг ва бошқалар. Қорин бўшлиғи шикастланишларининг клиник манзараси оғриқ ва геморрагик шок белгилари билан ҳам оғирлашган, масалан, тери қопламларининг оқариши, тахикардия, артериал қон босимининг пасайиши, совуқ ёпишқоқ тер, қарахтлик ёки қўзғалиш, оғир ҳолатларда эса ҳушдан кетиш ва ҳаётий муҳим аъзолар перфузиясининг бузилиши кузатилган.

3.2. Қориндан ташқари қўшма шикастланишларда клиник манзара хусусиятлари

Қориннинг қўшма травмаларида қорин бўшлиғи ичидаги шикастланишлар бир вақтнинг ўзида қориндан ташқаридаги шикастланишлар билан кечган, қайсиқим жабрланганлар умумий аҳволини сезиларли даражада оғирлаштирган, клиник манзарани ўзгартирган, натижада ташхисот ва даволаш тактикасини танлаш қийинлашган. Қўшма абдоминал травмаларда қориндан ташқаридаги травмалар ва уларнинг комбинацияларини учраш частотаси 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Қориннинг қўшма травмаларида қориндан ташқаридаги жароҳатларнинг тақсимланиши ва уларнинг комбинация вариантлари

Қориндан ташқаридаги қўшма травмалар	Бош мия травмаси	Кўкрак қафаси травмаси	Оёқ-қўллар травмаси	Қорин орқа бўшлиғи травмаси	Чанок суякларидан травмаси	Умurtқа поғонаси травмаси	Жами комбинация ҳолатлари
Бош мия травмаси (БМТ)	138	29	18	31	8	10	96
Кўкрак қафаси травмаси (КҚТ)	29	33	7	11	4	8	59
Оёқ-қўллар травмаси (ОҚТ)	18	7	19	5	2	3	35
Қорин парда орти соҳаси травмаси (ҚПОСТ)	31	11	5	32	4	4	55
Чанок суякларидан травмаси (ЧСТ)	8	4	2	4	9	2	20
Умurtқа поғонаси травмаси (УПТ)	10	8	3	4	2	10 241	27
Жами: 144	96	59	35	55	20	27	292

6-жадвалдан кўриниб турибдики, қориндан ташқаридаги шикастланишлар 292 та турли хил комбинацияларда учраган. Улардан қориндан ташқаридаги аъзолар шикастланишининг энг кўп учрайдиган комбинацияси бош мия травмасининг танани бошқа соҳалари травмалари билан биргаликда кечиши бўлган, қайсиким клиник манзарани сезиларли даражада оғирлаштирган ва даволаш тактикасига таъсир этган (7-жадвал).

7-жадвал

Қориндан ташқаридаги қўшма травмаларда клиник кўринишлар

Травма соҳаси	Клиник манзара
Бош мия травмаси (БМТ)	Ҳушнинг бузилиши, бош оғриғи, қусиш, талвасалар, неврологик танқислик, калла ичи босимининг ошиши симптомлари
Кўкрак қифаси травмаси (КҚТ)	Нафас олишда оғриқ, ҳансираш, цианоз, нафас олишнинг сусайиши, пневмо-/гемоторакс бўлиш эҳтимоли
Оёқ-қўллар травмаси (ОҚТ)	Оғриқ, шиш, деформация, ҳаракатланишнинг чекланиши, крепитация, гематомалар
Қорин парда орти соҳаси травмаси (ҚПОСТ)	Бел соҳасида оғриқ, гематурия, ички қон кетиш белгилари, ён томонларда қаттиқлик
Чанок суяклари травмаси (ЧСТ)	Чанокда оғриқ, ҳаракатланишнинг чекланиши, шакл ўзгариши, сийдик-таносил тизими шикастланганда гематурия
Умurtқа поғонаси травмаси (УПТ)	Орқада оғриқ, неврологик бузилишлар (парезлар, сезги бузилиши), спинал шок симптоми

Қориннинг қўшма травмалари бўлган 144 нафар болада клиник кўринишларнинг таҳлили ўзига хос абдоминал симптомлар ҳамда кўп тизимли шикастланишларга хос бўлган бошқа анатомик соҳаларнинг зарарланиш белгилари мавжудлигини кўрсатди.

Болаларда қориннинг қўшма травмаларида энг кўп аниқланадиган клиник симптомлар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Болаларда қориннинг қўшма травмасида энг кўп аниқланадиган клиник симптомлар

Клиник симптомлар	Мутлақ сон	%
Қорин бўшлиғи симптомлари	116	80,5 %
Оғриқ шоки белгилари	94	65,3 %
Бош мия симптомлари (умумий ёки маҳаллий)	70	48,6 %
Геморрагик шок белгилари	49	34 %
